

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Рахимов Боходир Сайдмусаевич, Термиз давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT TENDENCIES IN SURKHANDARYA PROVINCE

Rakhimov Bohodir Saidmusaevich, associate professor of the “World History” department of Termiz State University, candidate of historical sciences

ТЕНДЕНЦИИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Рахимов Боходир Сайдмусаевич, доцент кафедры «Всемирная история» Термезского государственного университета, кандидат исторических наук



<https://orcid.org/0000-0001-7596-5600>
e-mail:
raximovbaxodir197@gmail.com

Аннотация: Мақолада Сурхондарё вилоятида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг ижтимоий аҳамияти масалалари илмий таҳлил этилган. Дунё миқёсида кечеётган глобаллашув даврида жаҳон иқтисодиёти интеграциялашиб бориши ва шу асосда иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириб бории, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда ўзгаришлар илмий таҳлил этилган.

Калим сўзлар: воҳада ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланиши, Шеробод, Жарқўргон цементни қайта ишилаш корхоналари, Шўрчи дон маҳсулотлари корхонаси, ижтимоий демографик ривожланишлар.

Abstract: In the article, the large-scale reforms implemented in the Surkhandarya region in the socio-economic spheres and their social significance are scientifically analyzed. In the period of globalisation, the integration of the world economy and expansion of cooperation in the economic sphere, the reforms and changes in the socio-economic spheres are scientifically analyzed.

Key words: development of socio-economic spheres in the oasis, Sherabad, Jarkurgan cement processing enterprises, Shurchi grain products enterprise, socio-demographic developments.

Аннотация: В статье научно анализируются масштабные реформы, реализуемые в Сурхандарьинской области в социально-экономической сфере, и их социальная значимость. В период глобализации, интеграции мировой экономики и расширения сотрудничества в экономической сфере научно анализируются реформы и изменения в социально-экономической сфере.

Ключевые слова: развитие социально-экономической сферы оазиса, Шерабад, Джаркурганский цементный завод, Шурчинский хлебопродуктовый комбинат, социально-демографическое развитие.

КИРИШ. Мамлакатимизда истиқлол йилларида барча соҳалар каби ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Мамлакатимизда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги фармонлари[1:2] асосида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг асосий мақсади жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан ижтимоий,

иқтисодий-маданий соҳада андозалар олиб, мамлакатимизни барча соҳаларга етук ривожланган давлатлар каторидан ўрин олиши муҳим масалалардан бири саналади. Бу борада албатта маҳаллий имкониятларга мос келадиган йўналишларни татбиқ этиш ислоҳотларимизнинг энг муҳим мезони ҳисобланади.

МУҲОКАМА. Сурхондарё вилояти қадимдан инсоният цивилизацияси ривожланган, ижтимоий-маданий алоқалари яхши йўлга қўйилган, шунингдек, иқтисодий салоҳияти жиҳатидан илғор бўлган ўлкалардан саналади. Шу боис мустақиллик йилларида ҳам мамлакатимиз тараққиётида воҳанинг ҳам муносиб ўрни бор. Сурхондарё табиити, ер ости табиий бойликлари, хилма-хил табиий ресурслари ҳамда фойдали қазилма бойликлари билан қадимдан маълум ва машҳурдир.

Сурхондарё вилоятида мустақиллик йилларида ижтимоий-иктисодий ва маданий соҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилиб, муҳим ўзгаришлар амалга оширилиб борилмоқда. Жумладан, ёқилғи-нефть, газ ва кўмир конларининг асосий қисми ҳамда бошқа қимматбаҳо қазилма бойликларнинг аксарият қисми воҳа ижтимоий-иктисодий салоҳиятига тўғри келади. Ўзбекистондаги кўмир саноатининг йирик заҳираси ҳисобланган Шарғун, Бойсун кўмир конлари Сурхондарё воҳасида жойлашган. Воҳада қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши туфайли йод, карбит, туз қазиб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар пайдо бўлди[2:35]. Шунингдек, 2018 йилдан бошлаб, хорижлик ҳамкорлар билан биргалиқда ишлаш тажрибалари тўпланиб, Шеробод, Жарқўргон туманида цемент ишлаб чиқариш, Бойсун туманида газ қазиб олиш каби йирик корхоналар фаолияти йўлга қўйилиб [3:1] улкан ривожланишлар имконияти яратилмоқда.

Сурхон воҳасида иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳада дастлабки тарзда амалга оширилган ижтимоий ҳамкорлик масалалари муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ вилоятда янги саноат корхоналарининг барпо этилиши, маҳсулот ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, хориж сармояларининг жалб

етилишига катта эътибор қаратиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш муҳим масалалардан бири сифатида белгиланган.

Сурхондарё вилоятининг иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар, бутун республикада бўлгани каби, икки йўл билан, яъни, биринчидан, мавжуд корхоналарни техник жиҳатдан қайта куроллантириш; иккинчидан, янги корхоналар қуриш орқали амалга оширилди. Янги корхоналар барпо этиш, ишлаб турган корхонани қайта жиҳозлаш халқимиз учун зарур бўлган кўплаб истеъмол моллари ишлаб чиқаришга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йилларида Сурхондарё вилояти саноатида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Совет иттифоки даврида тараққиёт жиҳатидан энг кам ривожланган Сурхондарё вилояти саноати ривожланиши жиҳатидан 1990 йилда Республикада энг охирги ўринларда турар эди[4:56]. Шу боис дастлабки ислоҳотлар воҳанинг ижтимоий демографик ҳолатига эътибор қаратиш, жумладан, аҳолининг ижтимоий-иктисодий турмуш даражасини янада яхшилаш масалалари энг муҳим масалалардан бири сифатида белгиланди[5:409]. Сурхондарёда 1990 йилда дастлаб жами 23 та саноат корхонаси мавжуд бўлиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 1345 млн сўмлик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, аҳоли жон бошига 1011, 63 сўмлик саноат маҳсулотлари етказиб берилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,4 млн сўмга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 2,1 млн сўмга камайди. Вилоят бўйича 11 корхона халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш даражасини кескин камайтирди. Жумладан, Термиз гўшт комбинати корхонаси 6,4 млн сўмлик, Денов ёғ заводи 1,6 мн сўмлик, Денов вино заводи 1,8 млн сўмлик, вилоят дон маҳсулотлари бирлашмаси 1,2 млн сўмлик, жами 11 ярим млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмади[6:1].

Вилоядта саноат соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш учун аниқ чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Енгил саноат корхоналарини замонавий техника ва технология

билин жиҳозлаш ишлари олиб борилиб, пахта тозалаш саноати соҳасида муҳим ишлар амалга оширилди[7:42]. Мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ иттифоқ давридаги алоқалар узилгач, таъминот издан чиқиб, кўпгина пахта тозалаш заводларида эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар етишмаслигидан анча қийинчиликлар пайдо бўлди. Бу муаммоларни ижобий ҳал этиш учун корхоналарнинг ички имкониятларидан фойдаланилди.

1990 йил вилоятда мавжуд 11 та пахта тозалаш заводи 143,5 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарган бўлса[8:55], 1991 йилда бу рақам 145,4 минг тоннани ташкил этди. Вилоят енгил саноат корхоналарида 1992 йил умумий узунлиги 1247000 метр шойи газлама, 99,5 млн сўмлик тикувчилик буюмлари, 20,1 минг жуфт пойафзал, 19,2 минг дона трикотаж буюмлари, 5,2 минг дона пайпоқ, 2,3 тонна йигирилган ип тайёрланди[9:62].

Саноат корхоналарининг эркин фаолият кўрсатишига кенг йўл очиб берилиши ва нархларнинг эркинлаштирилиши корхоналар тақдирини, уларнинг раҳбарлари ва муҳандистехник ходимларининг тадбиркорлиги ва ишбилармонлигига боғлиқ қилиб кўйилди. Ислоҳотлар натижасида мулкчилик масаласида саноат соҳасида жиддий ўзгаришларни амалга ошириш талаб қилиниши билан биргаликда давлат тасарруфидаги корхоналарни иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда янги замонавий техника, асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш давлат назоратига олинди. Вилоятда мавжуд 11 та пахта тозалаш корхоналарини давлат тасарруфида сақлаш билан биргаликда уларни замонавий асосда қайта жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор берилди. Сурхондарё енгил саноатининг етакчи тармоқларидан бири бўлган пахта тозалаш заводларини янги технология билан қуроллантириши ишлари жадал олиб борилди.

ХУЛОСА. Хуроса ўрнида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида вилоятда енгил саноат корхоналарида техника янгиликларини жорий этиш, хорижлик хамкорлар билан иқтисодий алоқаларнинг кенг кўламда олиб борилиши вилоят иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда юртбошимизнинг Сурхон воҳасидаги саноат соҳасини, иқтисодиётни ривожлантириш борасида йўлга қўйиб берәётган кенг кўламли ислоҳотлари туфайли воҳа аҳолисининг ижтимоий турмуш даражасида муҳим ўзгаришлар амалга ошириб келинмоқда.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 29.01.2022 йил <https://lex.uz/docs/5841063>
2. С.Н.Турсунов, Э.О.Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. -Т.: “Шарқ”. 2001. -Б.35.
3. Сурхон тонгги . 2018 йил. 2 июнь. 42 - сон. 1 б.
4. Турсунов С.Н., ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар – Тошкент: Янги нашр, 2014. –56 б.
5. Холмуминов Х.Э. Особенности проблемы социально-демографических процессов населения в Кашкадарьинском и Сурхандарьинском оазисах (конец XIX в.) // Бюллетень науки и практики. 2020. Т. 6. №9. -С. 409.
6. Имамов Т. Бозор иқтисодиёти янгича иш юритишни тақозо этмоқда. Ленин байроби, 1991 йил, 28 июн, 1-бет.
7. Қобилов Э.О. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. Термиз, 1993. -Б. 42.
8. Сурхондарё вилояти Давлат Архиви 1-жамғарма, 3-рўйхат, 4-иш. 55-варак.
9. Сурхондарё вилояти давлат Архиви. 95-жамғарма, 12-рўйхат, 22-иш. 62-варак.